

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2007 йил, 26 апрель, пайшанба

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 79 (10.888)

Баҳоси эркин нарҳда

**XXI АСР САДОСИ**  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН  
СЎНГГИ ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатасининг 2006 йилги ҳисоботини эшитдилар. Муҳокама чоғида билдирилган таклифларни инobatга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатасининг 2006 йилги ҳисоботини тасдиқлаб, тегишли қарор қабул қилди.
- Давлат солиқ қўмитасининг кенгайтирилган Ҳайъат йиғилишида Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йилнинг биринчи чорагида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларига бағишланган мажлисида солиқ хизмати органлари зиммасига юклатилган вазифалар муҳокама қилинди.
- Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги муносабати билан шаҳарда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, куни кеча «Янги боғ» маҳалласида икки қаватли оилавий поликлиника қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. У замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.
- Пахтачи туманидаги «Авангард» хусусий корхонасида полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Хом ашё «Шўртангаз» корхонасидан келтирилмоқда. Полиэтилен плёнкалар, пластмасса буюмлар каби чиқиндилар ҳам бу ерда қайта ишланиб, тайёр маҳсулотга айлантирилмоқда.
- Навоийда болалар спортини ривожлантиришга қаратилган хайрли тадбир амалга оширилди. Бу ерда илк маротаба болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тарбияланувчиларининг республика спартакиадаси бўлиб ўтди.
- Тошкентда Жанубий Кореянинг LG компаниясининг мамлакатимиз бозорида фаолият кўрсатаётганига ўн йил тўлиши муносабати билан матбуот анжумани ташкил этилди. Шунингдек, ушбу тадбирда LG компаниясининг Black Label туркумга оид янги Shine уяли телефонининг тақдимот маросими ҳам ўтказилди.
- Тошкентдаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан таъмирланиб, ишга туширилган мазкур мажмуада ёшларнинг билим ва маҳоратларини оширишлари учун барча имкониятлар муҳайё қилинган.

## ЖАҲОНДА

- Кеча Украина Президенти Виктор Ющенко парламент сайловларини илгари белгиланганидек, 27 майда эмас, балки 24 июнь кuni ўтказиш тўғрисидаги янги Фармонга имзо чекди.
- Украинада юзага келган сиёсий таназзул кеча Европарламент томонидан қўриб чиқилди. Европа мамлакатлари Украина Президенти ва Бош вазирининг ўзаро келишишининг тарафдоридир.
- Туркия Президентлиги учун ўтказилар диган сайловларда «Адолат ва ривожланиш» партияси номидан мамлакат ташқи ишлар вазир Абдулла Гул ўз номзодини илгари суриши маълум бўлди. Номзодлар шу йилнинг 27 апрелида парламентда овозга қўйилди. Иккинчи тур сайловлари 2 майда, учинчи тур 9 майда, тўртинчи тур эса 15 майда ўтказилди.
- БМТ Хафсизлик Кенгаши томонидан Косово мустақиллиги масаласи юзасидан Европага жўнатилаётган 15 нафар аъзо мамлакатлар вакилларидан иборат делегациянинг сафари кеча Бельгия пойтахти Брюсселдан бошланди.
- «ХАМАС» ҳаракати Исроил билан ўтган йили ноябрь ойида эришилган тинчлик битимининг тўхтатилганлигини маълум қилди.
- Қирғизистоннинг собиқ президенти Асқар Акаевнинг қизи Бермет Акаеванинг 500 нафар тарафдорлари Қирғизистонни Хитой билан боғловчи Бишкек — Торугард автотрассасини ҳарсангошлар ва автомобиллар билан тўсиб қўйдилар. Улар ҳатто «тез тиббий ёрдам» машиналарини ҳам ўтказишмаяпти. Намойишчилар 35 ёшли Акаева устидан унинг рақиб номзодлари ёзган даъво аризаси Олий суд томонидан ижобий ҳал этилмагунча, йўлни очмасликларини айтмоқдалар.
- Бағдодда суннийлар ва шиалар маъзабларига тааллуқли аҳоли яшовчи мавзеларни иккига ажратувчи деворнинг қурилишига қарши норозилик намойишлари бўлиб ўтмоқда.
- Япониянинг «Toyota Motor Corp» автомобиль ишлаб чиқарувчи концерни жорий йилнинг биринчи чорагида автомобиль савдоси бўйича дунёда биринчи ўринга чиқиб олди. Маълумотларга кўра 2007 йилнинг дастлабки уч ойида «Toyota Motor Corp» 2.348 миллионга автомобиль сотиб, аввалги етакчи — Американинг «General Motors(GM)» компаниясини ортда қолдирди (у 2,26 миллионга автомобиль сотган).

## ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 27 апрель кuni Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 14-16, кундузи 30-32 даража иссиқ бўлади.

(ЎЗА)

## МАЪНАВИЯТ ВА МАДАНИЯТГА ЭЪТИБОРНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

**ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ 25 АПРЕЛЬ КУНИ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ҲАЗРАТИ ИМОМ МАЖМУА-СИГА ТАШРИФ БУЮРИБ, БУ ЕРДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН БУНЁДКОРЛИК ВА ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШДИ.**



Юртимизда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида аждодларимиз қолдирган бой маданий меросни тиклаш ва асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буюк аллома ва азиз-авлиёларимиз муқаддас қадамжоларини таъмирлаш ва ободонлаштириш, уларнинг бой илмий-маданий меросини чуқур ўрганиш, айниқса, ёшларимиз онг-шуурига сингдириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Ислам конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинди. Улкан тарихий-маданий ва сиёсий аҳамиятга эга ушбу воқеа жаҳон ҳамжамияти ҳамда юртдошларимиз томонидан катта мамнуният билан кутиб олинди. Президент Ислам Каримов бу воқеага «Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган бекиёс ҳиссасининг юксак эътирофи», деб таъриф берди.

Диёримизда муқаддас ислом дини ва фалсафасини, инсонпарварлик гояларини кенг ёйишда йирик илмий-маърифий марказ сифатида хизмат қилаётган Ҳазрати Имом мажмуасини шу пайтгача асосан пасткам иморатлар қуриш турар, унга элтадиган кўчалар бугунги талабаларга жавоб бермас эди.

Ҳазрати Имом (Ҳастимом) меъморий мажмуаси юртимиз ва мусулмон оламида катта обрў-эътибор қозонган табаррук маскан ҳисобланади. Мамлакатимиз пойтахтида жойлашган, халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган ана шу кутлуғ қадамжонинг тарихимиз, маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини инobatга олган ҳолда, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ўтган йилнинг ноябрь ойидан бу ерда кенг қўламли таъмирлаш, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бошланди. Бугун гўзал қиёфа касб этган ушбу гўшани таниш қийин.

Ислам Каримов, даставвал, Ҳазрати Имом меъморий мажмуасининг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг қўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама

ривожлантириш борасида қилинаётган ишларни кўздан кечирди.

Президентимизнинг шу йил 20 февраль кuni қабул қилинган «Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарориди халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган мазкур меъморий мажмуанинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг қўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш вазифаси белгилаб берилган.

Қарийб 9,5 гектар майдонни эгаллаган Ҳазрати Имом меъморий мажмуаси олтидан ўтадиган Кайковус ариғи тубдан таъмирланди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг янги биноси замонавий кўриниши билан кўзни қувватлади.

Ислам Каримов қадимий ва ноёб қўлёзмалар сақланаётган кутубхона кўздан кечирди. Мамлакатимиз кутубхоначилиги тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, кутубхона ишини такомиллаштириш юзасидан тегишли тавсиялар берди.

— Бу ердаги нодир ва қадимий китобларга берарво, юзак қараш мумкин эмас, — деди Президентимиз.

Юртбошимиз мажлислар зали ва иш оналарини жиҳозлаш, илгор техникадан, бошқариш ускуналари ва коммуникация тизимларидан самарали фойдаланиш масаласига эътиборни қаратди.

Мажмуага туташ ҳудудда «Истиклол» маҳалла маркази биноси қад ростлаган. Давлатимиз раҳбари шу ерда маҳалла фаоллари билан мулоқотда бўлди.

— Маънавий қадриятларсиз, асрлар давомида шакланган имон-этиқодидан маҳрум бўлган халқ ўсмайди, тараққий этмайди. Юртдошларимиз ўзларини Ватанимизда, жумладан, мана шу масканда амалга оширилаётган хайрли ишларнинг оддий кузатувчилари эмас, балки ташаббускори ва иштирокчилари сифатида ҳис этишлари муҳим, — деди Юртбошимиз.

Бугун наинки Ҳазрати Имом меъморий мажмуа улкан қурилиш майдонига айланган, айна чоғда мажмуа тарихидаги Қафқол Шоший мақбараси, Бароқхон ва Мўйи муборак мадрасалари, Тиллашайх ва Намозгоҳ масжидлари каби тарихий обидаларда ҳам иш кизгин.

Ҳазрати Имом мажмуадаги объектларни таъмирлаш ва бу ерда қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш бўйича кўзда тутилган ишлар тасдиқланган жадвал асосида амалга оширилмоқда. Президентимиз бу ердаги ишлар билан танишиш асносида, ёдгорликлар пештоқидаги нақшларнинг асл ҳолини тиклаш, айниқса, қадимий ёзувларни тиклашда эҳтиёткорлик билан иш тутиш зарурлигини қайд этди.

Ислам Каримов мажмуада сақланаётган Қуръони каримнинг энг қадимий нусхаларидан бўлган Усмон Қуръонини кўрар экан, унинг юртимизга буюк бобокалонимиз Амир Темур томонидан олиб келинганлигига эътиборни қаратди.

Мажмуада Президентимизнинг ташаббуси билан қўш гўмбазли, икки минорали муаззам масжид қад ростламоқда. Ушбу бетақдор иншоот нафақат пойтахтимиз, балки бутун юртимиздаги энг йирик масжид бўлади.

Президентимиз иншоотнинг қурилиши, унда шарт-шароитлар яратиш юзасидан тавсиялар берди.

Президентимиз Ҳазрати Имом жамоатчилик жамғармасининг юртдошларимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганини таъкидлади. Ушбу жамғармага тушаётган маблағ мана шу мажмуани обод қилишга, янги масжид қурилишига сарфланмоқда.

Ҳа, миллий қадриятларимизни, аъна ва удумларимизни тиклаш ва ривожлантириш, маданий ёдгорликларни таъмирлаш ва ободонлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари истиқлол берган имкониятларнинг ёрқин намуналаридандир.

**Ғулом МИРЗО, Нуралӣ ОЧИЛОВ, ЎЗА мухбирлари Абдувоҳид Тўраев олган сурат.**

**ПОЙТАХТИНИНГ БИР КУНИ**  
Янгиликлар, воқеалар

**Кечаси сатрларда**

- **БУГУН** Чилонзор туманидаги «Узэнергомаш» қўшама корхонасида Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбати «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» деб номланди.
- **КЕЧА** Ўзбекистон Республикаси Болалар кутубхонасида Халқаро ёшларнинг бирдамлиги кuni муносабати билан «Камолот» ЕИҲ Марказий Кенгаши ҳамкорлигида ёзувчи Муҳаммад Алининг «Улуғ салтанат» китоби бўйича китобхонлар конференцияси бўлиб ўтди.
- **ТОШКЕНТ** Тўқимачилик ва енгил саноат институтида талабалар, ўқитувчилар иштирокида уюштирилган тадбирда таълим тизимини такомиллаштиришда иқтидорли ёшларнинг роли муҳокама қилинди.
- **ЎТГАН** кuni «Ўзбектуризм» миллий компанияси ташаббуси билан уюштирилган тадбирда туризм соҳасини ривожлантиришда Миср Араб Республикаси билан икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

**УКРАИНА БОШ ВАЗИРИ ВИКТОР ЯНУКОВИЧ 25 АПРЕЛЬ КУНИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЎЗБЕКISTОНГА КЕЛДИ.**

**УКРАИНА БОШ ВАЗИРИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ**

Ташрифнинг асосий воқеалари 26 апрель кuni бўлиб ўтади. Юкори мартабали меҳмоннинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Бош вазир Шавкат Мирзиёев билан учрашуви кўзда тутилган.

Музокараларда Ўзбекистон-Украина муносабатларининг бугунги аҳоли ва истиқболлари муҳокама қилиниб, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашиш кутилмоқда.

(ЎЗА)

**ПРЕЗИДЕНТ ҲАМДАРДИК БИЛДИРДИ**

**ЎЗБЕКISTОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 25 АПРЕЛЬ КУНИ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ЭЛЧИХОНАСИГА ТАШРИФ БУЮРДИ.**

Мамлакатимиз раҳбари Россия Федерациясининг биринчи президенти Борис Ельцин ва фототэгани муносабати билан Ўзбекистон халқи ва ҳукумати номидан Россия халқи ва ҳукуматига чуқур ҳамдардик билдирди. Юксак ақл-заковат ва бой тажриба соҳиби, янги мустақил Россияда давлатчиликни тиклаш ишларининг асосчиси бўлган Борис Ельцин 23 апрель кuni юрак қон-томир хасталигининг кучайиши оқибатида ҳаётдан кўз юмди.

Президент Ислам Каримов Таъзия китобига чуқур ҳамдардик сўзларини ёзиб қолдирди. Россиянинг Ўзбекистондаги Факултетида ва мухтор элчиси Фарит Мухаметшин билан суҳбатда Ўзбекистон Россия билан ҳамisha елкадош бўлиб келганини, бугун ҳам унинг қайғусига шерик эканлигини таъкидлади.

(ЎЗА)

# ИШГА АМАРХАМАТ!

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИНИНГ МЕХНАТ, АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИ ТАСАРРУФИДАГИ ЮНУСОБОД ТУМАН МЕХНАТ БЎЛИМИДА БЎЛГАННИМИЗДА ЖАМОАНИНГ ЖОРИЙ ЙИЛ БОШИДАН АМАЛГА ОШИРГАН ИШЛАРИ, КЕЛГУСИДАГИ РЕЖАЛАРИ ХУСУСИДА БЎЛИМ РАҲБАРИ НОЗИМА СУЛАЙМОНОВА БИЗГА ҚУЙИДАГИЛАРНИ СЎЗЛАБ БЕРДИ:**

—Хозирги кунда туманимизда 289,4 миң нафар аҳоли истикомат қилмоқда. Жамоамизнинг асосий вазифаларидан бўлган меҳнат бозорини таҳлил қилиш, доимий банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар қатъий режа асосида олиб борилмоқда. Айниқса, 2007—Ижтимоий Ҳимоя йили эканлигини ҳисобга олган ҳолда, маҳаллаларда аҳолининг моддий ёрдамга муҳтож қатламга, яъни вақтинча ишламаётган фуқароларимизга моддий ёрдам кўрсатиш мақсадига иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси томонидан 1134,2 миң сўмлик нафақа, 3842,6 миң сўмлик стипендия ҳамда барвақт қарилган пенсиялари тайинланган

фуқароларга 2776,8 миң сўмлик пенсия пуллари тўланди. Шунингдек, туманда фаолият юритаётган 106 та корхона, ташкилотларда 7 фойзлик

## Мехнат бўлимларида ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ

квотали иш жойлари яратилган, яъни 1925 та иш ўринлари ташкил этилган. Жумладан, 395 та ёшлар учун, 225 та кўп балали оналарга, 142 та мuddатли ҳарбий хизматни ўтаганларга, 830 та ногиронларга, 101 та жазо мuddатини ўтаганлар ҳамда 167 та кексалик нафақасига чиқиш учун ёши етмаган фуқароларга иш жойлари мўлжалланган.

Бундан ташқари, бош бошқармага қарашли ижтимоий бандликни қўллаш жамғармаси орқали ўтган— 2006 йилда 4 та корхона—«Sabaz-biznes» (50 миллион сўм, 35 та ишчи ўрни), «Toxirbek-biznes» (12 миллион сўм, 40 та иш жойлари), «Dost-sar moyu» (30 миллион сўм, 14 та иш ўринлари) масъулият чекланган жамиятлари ҳамда «Zoit-ota» (10 миллион сўм, 7 та иш жойлари) хусусий ишлаб чиқариш фирмасига умумий

қиймати 102 миллион сўмлик кредит ажратилди.

Бугунги кунда туманимизда фаолият юритаётган 93 та корхонада 628 та бўш иш жойлари мавжудлиги аниқланди. Улардан 307 таси олий маълумотли фуқароларга мўлжалланган. Биринчи чорак давомида меҳнат бўлими жамоаси томонидан 481 нафар (улардан 356 нафари аёллар) фуқаролар хошишига кўра, мутахассисликларига қараб ишга жойлаштирилди. Жорий йил бошидан бош бошқарма қошидаги Ишчиларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш марказига 75 нафар фуқаролар йўлланма билан юборилди. Шунинг

ҳамда уларни ишга жойлаштиришга кўмаклашишдан иборат. Бир кунда ўрта ҳисобда марказда бир марталик иш топаётган фуқароларнинг сони 85 тани ташкил этмоқда, жорий йил бошидан марказ орқали 379 нафар фуқаролар бир марталик иш ҳақи тўланадиган ишларга жалб этилган.

Ўтган ойда меҳнат бўлимининг жамоаси иш қидирувчи аҳолига қўшимча имкониятлар яратиш мақсадига ҳудудий «Бўш иш ўринлари ва вақант лавозимлар» меҳнат ярмаркасини уюшқоқлик билан ўтказди. Унга доимий банд бўлмаган аҳоли билан бирга қамқоқ жазосини ўтаб қайтган фуқаролар тақлиб этилди. Маскур ярмаркада 55 нафар аҳоли фаол қатнашди. Улардан 35 нафари корхона, ташкилотларга жойлашилари учун йўлланмалар топширилди. 20 нафар фуқарога эса меҳнат қонунларидан малакали маслаҳатлар берилди, меҳнат бўлимининг вазифа, имкониятлари тўғрисида батафсил, атрофлиха маълумотлар етказилди. Натижада 29 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди, жумладан, улардан 12 нафарини аёллар ташкил этди. Иш самардорлигини оширишда туман миқёсида ҳудудий меҳнат ярмаркаларининг ўтказилиши тақозо этилади. Шу боис йил давомида 10 марта шундай тадбирларни ўтказишни режалашган. Айниқса, ёшлар—ўрта мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртинларининг битирувчилари учун алоҳида меҳнат ярмаркалари ташкил этиш иш режамизга киритилган.

Бир сўз билан айтганда, маҳаллалар оқоқоллари, корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарлари кўмагига таянган ҳолда туманимизда истикомат қилаётган доимий банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш мақсадига доимий диққат марказимизда. Уларга таянч ва мададор бўлишда барча имкониятларимизни ишга солашимиз.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛЕВА**  
ёзиб олди

## Ёшлар—кеलाжагимиз

### ТАПАБ ВА ЭХТИЁЖ АСОСИДА

**ЮРТИМИЗДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ, ЁШ АВЛОДНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ЕТУК ВА БАРКАМОЛ ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШ, ЁШЛАРГА ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДА ТАЪЛИМ БЕРИШ, МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ОЛДИДАГИ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРДАН ҲИСОБЛАНДИ.**

Ҳамза маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида бўлганимизда, бунга яна бир бор амин бўлдик. Бу ерда иккита йўналиш: умумий оқвот-ланишни ташкил қилиш бўйича мутахассислар, яъни ошпаз, новвой ҳамда қандолатчилик тайёрланади. Шунингдек, бухгалтер-аудитор мутахассислиги замонавий касблардан бўлиб, унга ҳам ёшларнинг қизиқишлари кучли.

—Ўқувчиларимизнинг танлаган касбларини чуқур ўрганишлари,—дейди коллеж директори Рўзимирод Фоилов,—ҳамда амалий кўникмалар ҳосил қилишлари учун таълим маска-

тиқовлар ҳамда ишлаб чиқариш устаси Д.Гицца, катта уста Н.Пирожковларнинг кўп йиллик самарали меҳнати, шарафли касбни эъзозлаб келаётганлари ва асосийси, ўқувчи-ёшларга касбларига меҳр-муҳаббат уйғотаётганликлари эътиборга лойиқдир. Коллеж жамоаси пойтахтимиздаги 20 дан ортқ давлат, нодавлат умумий оқвотланиш корхоналари билан узоқ йилларга мўлжалланган шартномалар тўзган. Асосийси, битирувчилар мутахассисликларига кўра иш жойларига эга бўлмоқда, яъни ишлаб чиқариш амалиёти ўташ давридаёқ улар корхона,

нимизда барча шарт-шароитлар яратилган. Хозирда коллежимизда 489 нафар ўқувчилар таҳсил олмақда, улардан 167 нафари битирувчилардир. Бизда таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Ўқув корпусимизда 22 та ўқув хонаси, 2 та замонавий жиҳозланган амалиёт хонаси, компьютер хоналари, ахборот-ресурс марказимизда 25 миңга яқин ўқув ва бадий адабиётлар фонди мавжуд, спорт зали, Маънавият хонаси, тиббиёт хоналаримиз талабларга жавоб беради.

Замон талабларидан келиб чиққан ҳолда жиҳозланган қандолатчилик лабораториясида хамир қоршиш учун мосламалардан тортиб, пещ, газ плитаси, қўйинчи, барча керакли асбоб-анжомлар топилади. Жумладан, миллий ва чет эл таомлари тайёрлаш хонаси ҳам ўзига ҳос жиҳозланган. Унинг қатнашган қўшим ресторандан иборат, қолган қисмида эса идриш-товоқ, ошхона анжомлари жойлашганлиги билан эътиборли. Айниқса, биринчи босқич ўқувчиларининг амалиёт дарслари даврида керакли кўникмалар олишида бу устаноларнинг аҳамияти катта. Боиси, 2-босқич ўқувчилари ишлаб чиқариш амалиётига боришдан аввал шу ерда биринчи бор касб маҳоратларини ошириш имкониятларидан фойдаланишди.

Мазкур таълим масканда ўқувчиларнинг билим олишлари, танлаган мутахассисликларини эгаллашларида устозлар—ёшларга таълим бераётган малакали, касбининг фидойилари бўлган ўқувчилари ҳамда тадбиркор, қўли гул ишлаб чиқариш усталарининг меҳнати алоҳида таҳсинга лойиқ. 30 нафардан ортқ ўқитувчи ва усталар жамоасида таълим ва киём-биологика фанлари ўқитувчилари Г.Халилова, Н.Ор-

хусусий бизнес субъектлари томонидан доимий ишга тақлиф қилинадилар ҳамда диплом олгач ишга жойлашадилар.

Коллежда ўқиш даврида ўқувчиларнинг вақтларини сермазмун ўтказишлари учун қатор хайрли, ибратли аъналар мавжуд. Масалан, бу ерда «Очқ эшиклар кўни», «Касбим—фаҳрим» каби тадбирлар, ҳафтага 4 марта ўтказиладиган амалиёт машғулотлари шулар жумласидандир. Яқинда Ҳамза, Миробод ҳамда Мирзо Улуғбек туманларининг 10 тадан ортқ мактабларининг битирувчилари, ўқитувчи ва ота-оналар иштирокчида ўтказилган «Очқ эшиклар кўни» яхши самаралар берди. Чунки кўллаб ўқувчилар айнан шу коллежда таҳсил олиш истагида таълим масканига ташриф буюрмоқда. Улар билан коллежда иш олиб бораётган консултатив марказ аъзолари—ҳойиш билдирган ёшларга таълим масканда яратилган шарт-шароитлар, ҳамкорлар, битирувчиларни иш билан таъминлаш масалалари хусусида батафсил маълумотлар беришмоқда.

Айни кунларда «Таълим—2007» халқаро кўрғазмасига пухта ҳозирлик қилинмоқда. Бу миқёсдаги кўрик-танлов, ярмаркалар коллеж ўқувчиларида янгиликка қизиқиш, касб маҳоратини оширишга интилиш ҳисларини уйғотиши, шубҳасиз. Зеро, таълим-тарбия тизимини такомиллаштиришда, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишда малакали мутахассислар сафини кенгайтириш кўзда тутилган.

**Муқаддас УМАРБЕКОВА**  
**СУРАТДА: Ҳамза маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ҳаётидан лавҳа.**



Хунари гўзаллар

### ХОРИЖЛИКЛАРНИ ҲАМ МАҒТУН ЭТМОҚДА

**АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР, ХАЛҚИМИЗНИНГ ЎЛМАС АМАЛИЙ САНЪАТИ НАМУНАЛАРИ КЕЛАЖАК АВЛОДГА ҲАМ ТУГАНМАС МЕРОС ҲИСОБЛАНДИ. УШБУ МЕРОСНИ АСРАВАЙЛАШ, ТАЪМИРЛАШ, ЯНГИЛАРИНИ ЯРАТИШ БОРАСИДА «ТОШКЕНТ КЕРАМИКА ТАЖРИБА КОМБИНАТИ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИНИНГ МУНОСИБ ҲИССАСИ БОР.**

Монументал ишларни бажарувчи қўли гул устоздаларнинг мазкур комбинатда кўллаб авлодлари самарали меҳнат қилиб келмоқда. Қувонарлиси, жамоада кулолсозлиқни жон-дилдан севувчи, касбини астойдил эъзозловчи, устозларининг ўғитидан баҳраманд бўлаётган ёшлар сафи кенгайиб бормоқда. Бу ерда устоз-шогирд аънавалари яхши йўлга қўйилган.

—Юртимиздаги ҳар бир муқташам бонининг нафақат ҳамюртларимизга манзур бўлиши,— дейди комбинат директори Фурқат Мансуров,— балки улардаги амалий санъат намуналарини оламга ёйишда кулолсоз усталаримизнинг меҳнатлари салмоқли. Боиси, юртимиздаги тарихий мажмуалар—Бухоро, Самарқанд шаҳарларидики бетакор обидалар, пойтахтдаги Олий Мажлис Қонунчилик па-

латаси, Сенати бинолари, Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Миллий театр, Қатагон қурбонлари музейи, Кўкалдеш мадрасаси, Тошкент метрополитенининг қатор бекатлари, Зангинога мажмуаси каби кўллаб маҳабатли иншоотлардаги сопол қўшинлар кўрган қўлларни қуватиб, хунари гўзалларнинг меҳнати маҳсули сифатида буй кўрсатмоқда.

Кичкинагина буюмдан тортиб, монументал санъат даражасидаги буюртмалар даставвал комбинатнинг бадий кенгашида кўриб чиқилади, эскизлар танлаб олинди, улар тасдиқлангач, макетлар тайёрланади. Айниқса, тарихий обидалар, халқимизнинг миллий бойлиги бўлган буюртмалар устида узоқ баҳс-мунозаралар, ижодий кўриklar ўтказилади. Эътиборли томони, мазкур корхонада меҳнат қилаётган машхур устоздалар—академик Акбар Раҳимов, Ўзбекистон Республикаси Халқ устаси Махмуд Мамажоновлар сулоласи бугунги кунда нафақат республикаимизда, балки узоқ хоржий давлатларда ҳам ўзларининг гўзал кулолчилик буюмлари билан маълуму машхурдир.

**Муяссар АБДУРАСУЛОВА**  
**СУРАТЛАРДА: «Тошкент керамика тажриба комбинати» масъулияти чекланган жамияти жамоасининг меҳнат фаолиятидан лавҳалар.**  
**Наталья Семёнова олган суратлар**

### Сўранг, жавоб берамиз

**ПОЧТА ОРҚАЛИ ЖўНАТИШ МУМКИНИМИ?**  
Маълум сабабларга кўра иш жойида бўлмаганимизда меҳнат шартномаси бекор қилинибди. Қандай ҳолларда ва қачон ходимга меҳнат дафтрасини олиб кетиш тўғрисида почта орқали билдирув хати юборилиши кераклиги ҳақида маълумот берсангиз.

**Насима Файзуллоева, Миробод тумани.**  
Меҳнат шартномаси бекор қилинган кунни иш бериувчи ходимга унинг меҳнат дафтрасини олиб кетиш тўғрисида почта орқали билдирув хати юборилиши кераклиги ҳақида маълумот берсангиз.

**Адиба Қурбонова, Чилнозор тумани.**  
Ходим номуайян мuddатта тузилган меҳнат шартномасини ҳам мuddат тугагунча қада, мuddатли тузилган меҳнат шартномасини ҳам икки ҳафта олдин иш бериувчиги ёзма равишда огохлан-

тириб бекор қилишга ҳақли. Огохлантириш мuddати тугагандан сўнг ходим ишни тўхтатишга ҳақли. Иш бериувчиси эса ходимга меҳнат дафтрасини ва буйруқнинг нусхасини бериши ҳамда у билан ҳисоб-китоб қилиши шарт ҳисобланади.

**МЕХНАТ ШАРТНОМАСИ ҚАНДАЙ БЕКОР ҚИЛИНАДИ?**  
Огохлантириш мuddати тугагунча қадар ходим ўз аризагини қайтариб олишга ҳақли. Аризани олган шахслар уни корхона раҳбарига етказишлари керак. Бу борада меҳнат нисоси келиб чиқмаслиги учун масалага ички меҳнат тартиби қоидаларига кўра аниқлик киритиб қўйиши мақсадга мувофиқ бўлади.

**НИМАЛАР ТАПАБ ЭТИЛАДИ?**  
Ўғлим ишлайки, аммо у ўн саккиз ёшга тўлмаган. Айтингчи, бу каби ўсмирларни корхона маъмурияти ташаббуси билан ишдан бўшатиш тартиби қандай?  
**Забарқат Холиқова, Собир Раҳимов тумани.**  
Бундай ходимларни иш бериувчи ташаббуси билан ишдан бўшатишда умумий тартибларга риоя қилинган ташқари, маҳаллий меҳнат органининг розилиги олинмиши ҳам талаб этилади.

## Иқтисодиёт СОҒЛИҒИНИНГ ИЗОҒИГА ФЙДАЛИ

**ЙОДЛАНГАН ОШ ТУЗИНИНГ ИНСОН СОҒЛИҒИГА ФЙДАЛИ ЭКАНЛИГИ БАРЧАМИЗГА ЯХШИ МАЪЛУМ. ШУ БОИС ҲАМ ТАЙЁРЛАНАЁТГАН ОШ ТУЗИНИНГ ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИДА ЙОДЛАНИШИГА ҚАРАТИЛГАН ЭЪТИБОР АҲОЛИ САЛОМАТЛИгинИ МУСТАҲКАМЛАШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.**

Бу борада ўз олдига аҳолига сифатли йодланган ош тузи етказиб беришни мақсад қилиб қўйган «Сардорбек» хусусий фирмасининг муносиб ҳиссаси бор. 2000 йилдан буён фаолият кўрсатаётган ушбу кичик корхонада 18 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Цехларга ўрнатилган Италия дастгоҳлари асосида маҳаллий хом ашё қайта ишланиб, йодланган даражасида эътибор қаратилган ҳолда қадокланмоқда ва шартнома асосида харидорларга етказиб берилмоқда.

—Замонавий дастгоҳлар асосида фаолият юритаётганимиз боис ҳам бир кеча-кундузда 15–20 тонна йодланган ош тузи тайёрлаб, маҳсулотларимизни харидор талаб ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда 0,5; 1 ва 2 килограммлик полиэтилен пакетларда қадоклаемиз,—дейди корхона директори Ойимхон Юсупова.—Республикамизнинг барча ҳудудларида харидорларимиз сафи ортиб бормоқда. Бунинг асосий боиси ишлаб чиқарилаётган ош тузининг энг биринчи навбатда сифати ва йодланишига эътибор қаратганимиздир. Чунки аҳолининг ҳар кун эҳтиёж сезадиغان маҳсулотларидан саналган ош тузининг йодланишига қаратилган эътибор буқоқ касаллигининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Олий ва биринчи навли йодланган ош тузи ишлаб чиқараётган тадбиркорлар жорий йилдан янги цехлар ташкил этиш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажминини оширишни режалашган.

## НАҚШИНКОР ОЙНАЛАР

**МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЕДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ВААКУМЛИ ДАСТҒОҲДА НАҚШИНКОР ОЙНА МАХСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРАЁТГАН «ҲАМДАМ АФЗАЛ» ХУСУСИЙ КОРХОНАСИДА ЙИЛДАН ЙИЛГА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ВА МАХСУЛОТ ТУРЛАРИ ОРТИБ БОРМОҚДА.**

Албатта, бу бозор иқтисодиётининг асосий талабларидан бўлиб, харидорнинг маҳсулот тайёрлашда унинг сифати ва янги-янги турларига эътибор қаратиш, рақобатбардошлигини таъминлаш юксак самара беради.

Маҳсулот тайёрлашда Қувасой ойналаридан фойдаланилади. Моҳир дизайнерлар эса буюртмачи талабидан келиб чиқиб изланади, ойналарни—турли нақш ва гуллар билан безашга эътибор қаратишди. Корхонада ишлаб чиқариш ҳажми ортаётганини шундан сезиш мумкинки, ўтган йилда 30 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагидаёқ бундан анча кўп нақшинкор ойналар буюртмачи ва харидорларга етказиб берилди.

—Мамлакатимиздаги кўллаб савдо қўноқлари билан ҳамкорликда ишлашмай,—дейди корхона раҳбарининг ўринбосари Зухра Пўлатова.—Шунингдек, пойтахтимизда ўз фирма дўконимиз ҳам бор. Жорий йилда янги цех очилиши режалаб турибмиз. Шу асосда яна 20 та қўшимча ишчи ўринлари яратамиз.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

## ЯНГИ ТЕХНОЛОГИК ЛИНИЯ

**«КУЛОЛ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАХСУЛОТЛАР ТУРИНИ ОШИРИБ, УЛАРНИНГ ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАРГА МОС БўЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ йўлиДА САМАРАЛИ ИЗЛАНМОҚДА. ЯНГИ ТЕХНОЛОГИК ЛИНИЯ ўРНАТИЛИШИ БИЛАН ЭСА БУ ЕРДА САНТЕХНИК БУЮМЛАР ТАЙЁРЛАШ УЧУН МУСТАҲКАМ ЗАМИН ЯРАТИЛАДИ.**

Бу жараёнинг жадаллаштириш мақсадига 828 миң АҚШ доллари миқдорига сармоҳ жалб этилди. Италиядаги машхур «САФИ» компанияси томонидан киритилган бу маблаг ҳисобидан қўшимча техникалар ҳам сотиб олинади. Янги линия тўла қувват билан ишга тушгач, «Кулол» корхонаси йилига 25 миң дона сифатли сантехник буюмлар тайёрлаш қувватига эга бўлади.

## ДЕПОДА ЦЕХ

**«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР йўллари» ДАВЛАТ ТЕМИР йўЛ КОМПАНИЯСИГА ҚАРАШИЛИ «ЎЗБЕКИСТОН» ДЕПОСИ ҚОШИДА ЯНГИ ЦЕХ ТАШКИЛ ТОПДИ. ЭЛЕКТРОВАЗЛАРНИНГ ЭЛЕКТРОН МОСЛАМАЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШ БИЛАН ШУГУЛЛАНАДИГАН БУ ЦЕХ ЭНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИК ВОСИТАЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАНДИ.**

Бунинг учун компания томонидан 400 миң АҚШ доллари миқдорига маблаг сарфланди. Шунинг айтиш жоизки, янги цехда таъмирлаш ишларини олиб бориш учун яна қатор мосламалар олинди. Бу эса электровозларни тубдан сифатли созлаш имконини беради. Қўрилган бу тадбир компания харақат таркибини модернизациялаш дастури доирасида амалга оширилганини айтиб ўтиш жоиздир.

## ЖАМҒАРМА ҲИММАТИ БИЛАН

**НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР УЮШМАСИ ҲУЗУРИДА ЯНГИ МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ. ЎЗБЕКISTОН НОГИРОНЛАР ЖАМИЯТИ БИЛАН БИРГАЛИКДА ОЧИЛГАН БУ МАРКАЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИ БИЛАН ШУГУЛЛАНАДИ.**

Бундан ташқари Жанубий Кореянинг корхонаси билан ногиронларга протезлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Бу мамлакатнинг «Енрга» жамғармаси ҳомийлигида мазкур мосламалар ногиронларга бепул етказиб берилмоқда. Ногирон ҳайдовчиларга ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида ҳам қатор кулайликлар муҳайё қилинди.

**Акбар АЛИЕВ**

Боғлар мавсумга тайёр

ХУШМАНЗАРА, ФАЙЗИЁБ МАСКАН

БАҲОРНИНГ СЎНГИ ОЙЛАРИДА ҚУЁШ ЗАМИНИМИЗ УЗРА ЎЗИНИНГ ЗАРҲАЛ НУРЛАРИНИ БЕМИННАТ СОЧА БОШЛАЙДИ. ИССИҚЛИКНИ ҲАЛИ ТЎЛА-ТЎКИС ҚАБУЛ ҚИЛИШГА МОСЛАШМАГАННИМИЗ БОИС СОЯ-САЛҚИН БОҒУ-ХИЁБОНЛАР ТОМОН ОШИКАМИЗ. ШАҲРИМИЗНИНГ ҚОҚ МАРКАЗИДА ЖОЙЛАШГАН, ЎЗИНИНГ ЖОЗИБАДОРЛИГИ, КЎРКАМЛИГИ БИЛАН БАРЧАНИ БИРДАЙ МАФТУН ЭТИБ ЎЗИГА ЧОРЛАБ ТУРАДИГАН АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИ ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗНИНГ МАДАНИЙ ДАМ ОЛИШЛАРИНИ ТЎЛА-ТЎКИС ТАЪМИНЛАБ БЕРАДИГАН МАСКАНЛАРДАН ҲИСОБЛАНАДИ.

41 гектар ер худудини ва 9 гектар кўлни қамраб олган мазкур боғ, 1937 йилда ташкил қилинган бўлиб, пойтахтимизнинг энг қадимий ва нурафшон гушларидан бири ҳисобланади. Мустақиллигимиз шарофати билан 2005 йилда боғ қайта тубдан таъмирланиб янада гўзал қиёфа касб этди.



— Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғида, — дейди биз билан суҳбатда мазкур боғ директори Собит Маматов, — ёш-кексанин бирдай мириқиб маданий дам олишлари, вақтларини чоғ ўтказишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ундан ортиқ турли хил аттракционлар, 20 та катамаран, 2 та моторли, 10 та эшакли қайиқлар кўнгина спорт турларини қамраб олган спорт клуби, чўмилиш ҳавзаси халқимизнинг мароқли дам олишини таъминлаш йўлида хизмат қилмоқда. Соя-салқин боғимизга нафақат ёшларимиз балки, кекса ота-он ва онахонларимиз баъзан фарзандлари ва неваралари билан ёхуд ўзлари келишиб дам олиб кетадилар. Дам олиш масканига ташриф буюрувчиларнинг мароқли ва мазмунли дам олишларини таъминлаш мақсадида боғ худудига ўзига хос-тартиб ва қондалар ҳам ўрнатилган бўлиб, боғ ходимлари ва назоратчилари уларга қатъий амал қилган ҳолда иш олиб борадилар. Жорий йилда боғ худудига 170 турдаги ҳар-хил арча кўчатлари ва дуб, каштан, чинор, тол, терак, мажнун-тол каби дарахт кўчатлари ҳам ўтказилди. Истардикки, боғимиз худуди яшил либосларга янада бурканган ҳолда гўзал ва тароватли бўлсин, унга ташриф бую-

рувчилар эса мазза қилиб дам олиб, диллари яйрасин.

— Боғимизда, — дея суҳбатга қўшилди маънавий-маърифий ишлар бўлими бошлиғи Мавлуда Комилова, — турли хил тадбирлар, мусобақалар ва ижодий учрашувлар ҳам муттасил равишда ўтказилиб турилади. Бугун ҳам, Чилонзор туманининг «Яшил чироқ — 2007» кўриктанлови ҳамда «Олтин водий» дастаси ва «Амир» гуруҳларининг концерт дастурлари билан боғимизнинг ёзги мавсуми очилиши маросимини ҳам байрамона тарзда нишонламоқдамиз. Ҳар бир ўтказилаётган тадбир халқимиз манфаати йўлида хизмат қилади.

Даржақат, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи пойтахтимизнинг энг кўркам, файзли, тароватли

ва севимли дам олиш масканларидан ҳисобланади. Бокка ташриф буюрар экансиз улуг бобомиз, ғазал мулкининг султони Алишер Навоийнинг улугвор ҳайкали еизни бир зум бўлса ҳам юксаклик, эзгулик ва яхшилик сари чорлайди. Кулониғиз остида шеърининг майин ва сирли наволарининг сеҳри сизни алла-лагандек бўлади. Боғ ичра ҳукм сураётган осудалик, сувнинг майин шилдираб оқётган жилваси дилингиғизга энг гўзал ҳаёлларни бахш этади. Табиат билан сўхбатлашаётган сездасиз ўзиниғизни. Болаларнинг шўх-шодон қийқириклари



ЮРТИМИЗДА КЕЛАЖАГИМИЗ ВОРИСЛАРИ БЎЛИШ ЭШ АВЛОДНИНГ КОМИЛ ИНСОНЛАР БЎЛИШ ВОЯГА ЕТИШИ, ҲАЁТДА ЎЗИНИНГ МУНОСИБ ЎРНИНИ ТОПИШИ, СОҒЛОМ ТУРМУШ КЕЧИРИШИ БОРАСИДА ГАМҲЎРЛИК КЎРСАТИШ ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЮРИТАЁТГАН СИЁСАТНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАНДИР.

«БИЗ МУСТАҚИЛ ЮРТ ФАРЗАНДАЛАРИМИЗ»

Пойтахтимизда бошланган «Биз мустақил юрт фарзандларимиз» мавзудаги ёшлар анжуманининг очилишида шу ҳақда гап борди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими кенгаши ва «Камалак» болалар ташкилоти ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирда Тошкент шаҳридаги бошланғич ёшлар ташкилотларидан 350 нафар йигит-қиз иштирок этмоқда.

«Биз мустақил юрт фарзандларимиз» анжумани иштирокчилари тадбир аввалида мамлакатимиз бош майдонини зиёрат қилиб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқ-

болимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйдилар. Анжумандан кўзланган мақсад урта-маҳсус, касб-хунар таълими тизимидаги ўқув муассасалари, умумтаълим мактаблари ва олий ўқув юртида таҳсил олаётган иқтидорли, интилувчан ва фаол ёшларни кўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш орқали ёш авлод қалбиде истиқлол ғояларига садоқат, эл-юртига муҳаббат туйғуларини янада мустаҳкамлаш, «Камолот»нинг ғоялари, мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб қилишдан иборатдир.

1 майга қадар давом этадиган тадбирлар доирасида анжуман қатнашчиларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзолари ҳамда Тошкент шаҳар фаоллари билан учрашувлари, Ўзбекистон ва Темурийлар тарихи давлат музейларига экскурсияси, Мехрибонлик, мурувват уйлари ва мактаб-интернатларга ташрифлари, шунингдек, турли анжуман, кўрик-танлов, сайил ва кўргазмалар ташкил этилиши режалаштирилган. **Жасур КЕНҒОБОВ,** **ЎЗА мухбири**

Ободонлаштириш

ШАҲРИМИЗ ЯНАДА КЎРКАМ БЎЛАДИ

БУГУНГИ КУНДА ПОЙТАХТИМИЗ КЎЧАЛАРИ ТАНИБ БЎЛМАС ДАРАЖАДА ЎЗГАРИБ, ЎЗГАЧА ҚИЁФАГА КИРАЁТГАНЛИгини ҲЕЧ КИМ ИНКОР ЭТОЛМАЙДИ, АЛБАТТА. ШАҲРИМИЗНИНГ ШУНДАЙ ҚИЁФА КАСБ ЭТИШИ ЎЗ-ЎЗИДАН БЎЛИБ ҚОЛГАНИ ЙЎҚ. УНДА НАФАҚАТ ҚУРУВЧИЛАР, БАЛКИ ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ МУТАХАССИСЛАРИНИНГ ҲАМ ҲИССАСИ КАТТА.

— Шу пайтгача шаҳримиздаги Мустақиллик майдони, Алишер Навоий, Шаҳидлар хотираси, Миллий боғ, Амир Темури хийбони сингари умумий худуди 230 гектардан ортиқ, 18 та майдонни майсазор

билан қоплашга эришдик, — дейди биз билан суҳбатда Тошкент шаҳар марказий майдонларини ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Тоҳир Бувамуҳамедов. — Бунинг учун 30 дан ортиқ техника, 600 нафарга яқин ишчи-хизматчилар жалб этилди.

Натижада ушбу майдонлар биргина майсазорлаштирибгина қолинмай уларнинг атрофига 400 минг тупдан зиёд турфа хил гул кўчатларини ўтқазиш режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, бу ерларга кўшимча равишда 7830 туп игнабаргли ва 5800 туп бута кўчати экишга эришилди. Аини пайтда улар тўлиқ ям-яшил қиёфага кириб, шаҳримиз ҳуснига хусн бағишлаб турибди.

— Бу билан чекланиб қолганимиз йўқ, — деб сўзида давом этади Тоҳир ака. — Чунки ободонлаштириш мавсумий эмас, балки доимий эhtiбор қаратиладиган иш. Шунинг учун ҳар бир мавсумнинг дастурий режаларини ишлаб чиққанмиз. Юқорида таъкидланганидек, бу ўз самарасини бераёпти. Энг муҳими, шаҳримиз кўркига кўрк, файз-тароват кўшиляпти.

**Усмон УСМОНОВ** **СУРАТДА:** марказий майдонларни ободонлаштириш махсус бошқармаси ишчи-хизматчилари фаолиятдан лавҳа. **Муаллиф олган сурат**



Самбо

КУЧЛИЛАР ГИЛАМГА ТУШДИ

ШАҲРИМИЗДАГИ «ЖАР» СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАРКАЗИДА САМБО БЎЙИЧА ЭРКАКЛАР ЎРТАСИДА МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНАТИ БЕЛЛАШУВЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.



Турнирда 130 самбочи 52 килограммгача вазндан бошлаб 100 килограммдан ортиқ жами 9 та вазнда ўз куч ва маҳоратини кўрсатгани ҳолда галаба учун кураш олиб борди.

Чемпионатда ҳам тажрибали спортчилар, ҳам умидли ёшлар ўз маҳоратларини намойиш этганлари ҳолда чиройли усуллари кўллаб, мухлислар кўнгиларини шод этишди. Чунончи, 52 килограммгача

самбочилар ўртасида Ўзбекистон чемпионатларининг бир неча бор ғолиби, жаҳон чемпиони Шухрат Жўраев, айниқса барча рақибларини муддатидан аввал енггани ҳолда ўзининг бежиз кучлилар сафиде эмаслигини исботлади ва бу гал ҳам чемпионлар сафидан ўрин олди. Энг муҳими, кўллаб самбо усталари кетма-кет чиройли усуллари кўллаганлари ҳолда беллашувларни муддатидан олдин яқунлашга муваффақ бўлишди.

Турнирда Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳри самбочиларининг муваффақиятли иштирок этишганини таъкидлаб ўтиш ўринли. Жумладан, енгил вазнларда Ш.Жўраев, А.Пардаев, А.Эшов каби самарқандлик кураш усталари зафар кўчишган бўлса, 68, 82, 90 ва 100 килограммгача бўлган вазн тоифаларида шаҳримиз вакиллари — Д.Муҳидов, И.Сагиров, А.Курбонов ҳамда Т.Нурматовлар хурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан жой олишди.

100 килограммдан ортиқ энг оғир вазнда эса пойтахт вилояти вакили А.Тулендибаев галаба қозонди.

Чемпионатнинг барча ғолиб ва совриндорлари дипломлар ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. **(Ўз мухбиримиз)** **СУРАТЛАРДА:** чемпионат баҳасларидан лавҳалар. **Алексей Попов олган суратлар**



Футбол

«ҚУРУВЧИ»НИНГ ДАДИИ ОДИМИ

ФУТБОЛ БЎЙИЧА МАМЛАКАТ XVI МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ 6-ТУР БАҲСЛАРИ ШАҲРИМИЗ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАЁТГАН «ПАХТАКОР» ВА «ҚУРУВЧИ» ЖАМОАЛАРИГА МУҲИМ ГАЛАБАЛАРИНИ ТУҲФА ЭТДИ.

Мамлакатимиз чемпиони «Пахтакор» ушбу турда Тошкентда «Навбахор-Н» жамоаси билан куч синашди. Очигини айтиш керак, авваллари бу икки пешқадамлар ўртасида қизиқарли, мurosасиз ва энг асосийси тенгма-тенг кураш кечарди. Бу сафар ушбу анъана бузилди. Чемпионатни нотекис ўтказётган наманганликлар Равшан Хайдаров шогирдларига жиддий қаршилиқ кўрсата олишмади. Тошкентликларнинг яққол устунигида кечган учрашувда меҳмонлар дарвозаси 90 дақиқа мобайнида икки бор ишғол қилинди. Беллашувда 2:0 ҳисобида галаба қозонган пахтакорчилар муҳим уч очкони кўлга киритишди. Тўпларни дарвозага Желаров ва Солиев йўладди.

Олий лиганинг янги вакили, ўзининг аjoyиб ўйинлари билан мутахассислару мухлисларни хайратга солаётган «Қурувчи» жамоасига ҳам яна омад қилиб боқди. Ўз майдонида Зарафшоннинг «Қизилқум-Олтин» жамоасини қабул қилган тошкентликлар тўлиқ устуликка эришиб беллашувини 2:0 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал қила олишди. Жасур Ҳасанов ва Рашид Гафуров томонидан киритилган голлар «Қурувчи» мухлислари қувончига қувонч қўшди.

Қолган учрашувлар куйидагича якунланди: «Нефчи» — «Металлург» — 2:1, «Тупаланг» — Самарқанд — «Динамо» — 1:1, «Насаф» — «Машъал» — 0:1, «Вобкент» — «Локомотив» — 1:0, «Шўртан» — «Бухоро» — 2:0, «Андихон-Ўз» — «Трактор» — 2:1.

Мамлакат XVI миллий чемпионатининг 7-тур учрашувлари 28, 29, 30 апрель кунлари бўлиб ўтади. **Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни АДИБ ЗАМОНДОШЛАРИ ХОТИРАСИДА

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА «ҲАМИД ФУЛОМ ЗАМОНДОШЛАРИ ХОТИРАСИДА» КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ЁЗУВЧИ ВА ШОИРЛАР, ОЛИМЛАР, АДАБИЁТ МУХЛИСЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов, адабиётшунос Наим Каримов, Ўзбекистон халқ шоири Раим Бобонов ва бошқалар мамлакатимизда миллий адабиётимизни раванқ топтириш, атоқли адиблар хотирасини эъзозлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Кўплаб насрий, шеърӣ, драматик ва публицистик асарлар муаллифи бўлган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Фулом сермахсул ижодкорлардан эди.

Ғафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган «Ҳамид Фулом замондошлари хотирасида» китобида унинг дўстлари, ҳамкасблари ва шогирдларининг адиб ҳақидаги хотиралари билан танишиш мумкин.

Бугун — Халқаро Интеллектуал мулк куни

МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ДОИМИЙ МУҲОҒАЗАДА

2000 ЙИЛИ ЖАҲОН ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ТАШКИЛОТИ ТОМОНИДАН 26 АПРЕЛЬ — ХАЛҚАРО ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК КУНИ, ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ЭДИ. ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛКНИ ВА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИГИМИЗДА АЛОҲИДА ЎРИН ТУТАДИ.

Бундан икки йил муқаддам мамлакатимизнинг Адабий-бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн конвенциясига қўшилгани бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислоом Каримов раҳнамолигида муаллифлик ва турдо ҳуқуқлар муҳофазасини таъминлашга оид улкан ишлар амалга оширилди. Соҳага оид миллий қонунчилик асослари яратилди ва улар замонга, халқаро андозаларга мос тарзда тақомиллаштирилди.

Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқларини Ҳимоя қилиш билан шуғулланиб келаётган халқаро ташкилотлар — ЮНЕСКО, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти, Жаҳон савдо ташкилоти билан ўзаро ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Муаллифлик ҳуқуқини Ҳимоя қилиш республика агентлигиндан ЎЗА мухбирига маълум қилишларича, бугунги кунда соҳадаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш борасида зарур чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан, ички ишлар, прокуратура, божиҳона, суд, солиқ идоралари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилган. Шу йилнинг 24 февраль кунӣ пойтахтимиздаги «Янгиобод» бозориде ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда ўтказилган рејд натижасида беш мингдан зиёд контрафакт диск қўлга олинди ва суд қарори билан йўқ қилинди.

Мазкур йўналишда мамлакатимизда сўнгги икки ой давомида ўтказилган тадбирлар давомида 30 мингдан ортиқ контрафакт диск аниқланди. Бундай ҳолатга йўл қўйган олти нафар сотувчи тегишли тартибда маъмурий жавобгарликка тортилди.

Шу боёе ҳам асарларни турли кўринишда кўпайтириш ва сотиш билан шуғулланадиган компания ва субъектлар ўртасида қонунчиликка риоя қилиш борасида зарур тушунтириш ишлари олиб бориляпти. **ЎЗА**

Спорт янгилликлари ПОЙТАХТЛИКЛАР ГОЛИБ

ПОЙТАХТИМИЗДА ТРАМПОЛИН БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН БИРИНЧИЛИГИДА 17 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЕТМИШ УЧ НАФАР СПОРТЧИ ГОЛИБЛИК УЧУН КУЧ СИНАШДИ.

Батутда сакраш беллашувларида Тошкент шаҳри шарафини Ҳимоя қилган спортчилар ўзини кўрсатди. Ўз тенгқурлари ўртасида энг юқори натижани қайд этган пойтахтлик спортчилар — Амиран Бабаев, Анастасия Федоренчик, Владимир Елисеев ва Мохина Иброҳимова биринчи ўринни эгаллаб, мамлакат чемпиони бўлди.

Синхрон сакраш баҳсларида ҳам шохсупаниннг энг юқори поғонаси тошкентлик Владимир Елисеев ва Александр Желнерович жуфтликка насиб қилди.

Акробатик йўлакда ўтказилган беллашувларда эса пойтахтлик спортчилардан Виктор Баранов ва Николай Комлачев мусобақа ғолиби бўлди.

БОШ СОВРИН ҲАМИЮРТЛАРИМИЗДА

УКРАИНАДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚАРО ТУРНИРДА 1992 ЙИЛДА ТУГИЛГАН ФУТБОЛЧИЛАРДАН ТАРКИБ ТОПГАН ЎЗБЕКИСТОН ЎСМИРЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ БИРИНЧИ ЎРИНИ ЭГАЛЛАБ ҚАЙТДИ.

Халқаро турнирда мезбонлардан ташқари Россия ва Ўзбекистондан келган жами ўнта жамоа ғолиблик учун тўп сурди.

Дастлабки босқичда жамоалар икки гуруҳга бўлиниб ўзаро куч синашишди. Роберт Гай бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси гуруҳдаги биринчи учрашувини Москва шаҳридаги «76-Олимпия» захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг 1991 йилда туғилган болалардан таркиб топган жамоасига қарши ўтказиб, 1:0 ҳисобида зафар қучди.

Қолган беллашувларда «Виктория»ни (Гатчина) — 4:0, «Невский завод»ни (Санкт-Петербург) — 7:0, «Княжа»ни (Счастливо) 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратган ёш футболчиларимиз гуруҳда биринчи ўринни эгаллаб, ярим финалга йўланма олди. Мазкур босқичда Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Санкт-Петербургнинг «Динамо» жамоасини 7:0 ҳисобида доғда қолдирди. Вакилларимизга финал йўланмасини келтирган голлардан четтасини Аюбжон Гафуров, иккитасини Лўкмон Суфийонов ва биттадан Тоҳир Шамсуддинов ва Раҳматулла Медебоевлар киритишди.

Финал учрашувиде ёш футболчиларимиз Москва шаҳридаги «76-Олимпия» захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби» шарафини Ҳимоя қилаётган тенгқурлари билан куч синашиб, Аюбжон Гафуровнинг икки, Егор Кримец, Маъруф Тошев ва Максим Уткиннинг биттадан голи эвазига 5:1 ҳисобида зафар қучди ва бош соврин соҳиби бўлди. **Боҳир БЕК**

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2007 йил 25 апрелдаги ҳал қилув қарорларига асосан тугатилган корхоналар рўйхати.

№	Корхона номи	Мақоми	СТИР	Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами	ХТУТ (ОКПО)	Хўжалик судининг қарори рақами ва санаси	Хўжалик судининг қарори рақами ва санаси	
1	VIARDO	ХФ	204433759	19.03.2003	03-000861	18875986	10-0701/3826	25.04.2007
2	FENIKS OKS	ХК	205117191	15.06.2004	000395-03	19656401	10-0701/3827	25.04.2007
3	BEST OPTIMA	МЧЖ	206260499	27.03.2006	001417-03	20807970	10-0701/3828	25.04.2007
4	UZCOM MEDIA TRUST	МЧЖ	205046130	26.04.2005	000335-03	19596840	10-0701/3829	25.04.2007
5	ROZVETA-VIDEO	МЧЖ	206676859	26.06.2006	001630-03	21312287	10-0701/3830	25.04.2007
6	TRISTAN-SAVDO	ХК	205208560	26.08.2004	000498-03	19742566	10-0701/3831	25.04.2007
7	ULUG'FOODTRADE	ХК	206588833	25.05.2006	001525-03	21160067	10-0701/3832	25.04.2007
8	MA'RIFAT MATLUBOT QURUVCHI	УК	204668118	17.09.2003	1419	19202717	10-0701/3833	25.04.2007
9	TORA-TORI	ХК	205675195	04.05.2006	000940-03	20225362	10-0701/3834	25.04.2007
10	KRONOS FUD	ХФ	203351632	10.08.2000	1227	17818414	10-0701/3835	25.04.2007
11	TRANS-TIJORAT-MASLAHAT	МЧЖ	205447803	15.02.2005	000872-03	20000887	10-0701/3836	25.04.2007
12	ROMA-BELLA	МЧЖ	204819197	29.01.2004	000177-03	19320061	10-0701/3837	25.04.2007
13	TONG TIKUVCHI	МЧЖ	205867233	11.11.2005	001214-03	20442912	10-0701/3838	25.04.2007
14	MENADA	ХФ	204678019	25.09.2003	1453	19234172	10-0701/3839	25.04.2007
15	ЎЗБЕКТРАНСТРОЙ	К	201053205	11.05.1994	15	14929643	10-0701/3840	25.04.2007
16	AZIYA-EKOSERVIS	МЧЖ	200818763	01.12.1994	383/5(446)	15364794	10-0701/3841	25.04.2007
17	TEXNIK-KOINOT	ШК	200516696	09.04.1999	726		10-0701/3842	25.04.2007
18	UGURLI GLASS	ХК	205503574	22.12.2005	000817-03	19999584	10-0701/3843	25.04.2007
19	ASST-KIMIYO	МЧЖ	204930171	12.03.2004	000246-03	19395521	10-0701/3844	25.04.2007
20	MER KAN-PLAST	МЧЖ	205685904	23.05.2005	000962-03	20225876	10-0701/3845	25.04.2007
21	SUG'URTA BIZNES	МЧЖ	202426364	24.05.2001	1118 (804)	16826759	10-0701/3846	25.04.2007
22	EOLA	МЧЖ	203676006	05.08.2002	921	18190107	10-0701/3847	25.04.2007
23	ALEKS SAVDO NUR	МЧЖ	205731545	27.06.2005	001006-03	20295658	10-0701/3848	25.04.2007
24	FLANEL KRUISE	МЧЖ	204569106	05.03.2004	03-001036	18987811	10-0701/3849	25.04.2007
25	AVGUST-RIVYU	ХК	205581124	29.03.2005	000872-03	20151333	10-0701/3850	25.04.2007
26	ART KOOL DIZAYN	ХК	205264200	08.11.2004	000632-03	19816715	10-0701/3851	25.04.2007
27	ABDVOSIL YOQUTXON FARM	ХК	206660340	15.06.2006	001595-03	21260811	10-0701/3852	25.04.2007
28	PARVOZ OMAD	МЧЖ	205760099	01.08.2005	15_0-2054	20346568	10-0701/3853	25.04.2007
29	SILVER BARAKA	ХК	205202823	19.08.2004	000492-03	19742187	10-0701/3854	25.04.2007
30	AZIZ AVIA SERVIS	ХФ	204651464	22.08.2003	1317(1143)	19203125	10-0701/3855	25.04.2007
31	JANDOS	МЧЖ	200981832	04.02.1999	285(00516)	15001169	10-0701/3856	25.04.2007
32	PROM-ELEKTRONIKA	МЧЖ	205391922	13.07.2005	000755-03	19882155	10-0701/3857	25.04.2007
33	TVINDEK	МЧЖ	202945938	19.09.2000	1427 (87)	17382891	10-0701/3858	25.04.2007
34	AVANTAGE DILING	ХК	205565238	24.03.2005	000864-03	20085694	10-0701/3859	25.04.2007
35	ILYOS QURILISH TRADE	МЧЖ	300018324	04.10.2006	002059-03	21463543	10-0701/3860	25.04.2007
36	GARUDA	МЧЖ	204291454	24.12.2002	1545	18819901	10-0701/3861	25.04.2007
37	NIKADO	ХК	205188635	05.08.2004	000472-03	19745903	10-0701/3862	25.04.2007
38	HAVAS SAVDO	МЧЖ	205154923	02.07.2004	000420-03	19659339	10-0701/3863	25.04.2007
39	SKIDS	МЧЖ	201800145	14.05.1996	282/6	16216676	10-0701/3864	25.04.2007
40	RA'NO BAXT SAVDO	МЧЖ	206010397	27.01.2006	001320-03	20538782	10-0701/3865	25.04.2007
41	SKYFLOWERS	МЧЖ	204798028	15.11.2004	000647-03	19318590	10-0701/3866	25.04.2007
42	VASH STIL	МЧЖ	204615769	11.07.2003	1142	19141306	10-0701/3867	25.04.2007
43	NAJOT-TONGI	МЧЖ	205261592	04.11.2004	000625-03	19816448	10-0701/3868	25.04.2007
44	KRISTI	ХФ	201004874	05.05.1995	171/28	15672509	10-0701/3869	25.04.2007

Мазкур корхоналарнинг топширилмаган ҳужжатлари, думалок муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади. Кредиторлар икки ой мобайнида Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 18-уй, Миробод тумани ҳокимлигининг махсус комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин. О.Э.Файзибоев, Миробод тумани ДСИ бошлиғи.

**«Munitsipal Aukcion Markazi» сизларни 2007 йил 1,8,15 май кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтадиган АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**

Аукцион савдоларига Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига асосан, Миробод тумани, Янги замон кўчасида жойлашган, сатҳи 0.02га бўлган 2-сон ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи, бошлангич баҳоси 3 588 968 сўм ҳамда Юнусобод тумани, «Ҳасанбой» даҳаси, 1-мавзе ҳудудида жойлашган сатҳи 0.04 га бўлган 3-сон ер участкаси яқка тартибда уй-жой қуриш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқи, бошлангич баҳоси 946 400 сўм қайта савдога қўйилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш узоқ муддатли ижара ҳуқуқи бўйича савдодан бир кун аввал, яқка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган ер участкаси бўйича савдодан уч кун аввал тўхтатилади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар ер участкаларининг бошлангич нархидан 10 фоизи миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси «Munitsipal Aukcion Markazi» халқ банки шаҳар бўлимидаги МФО 00821, СТИР 300053338. 2020800080455505001 ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, М-14, 19-уй. Телефон: 144-88-04. Гувоҳнома: № 001568-09

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2007 йил 23 апрелдаги ҳал қилув қарорларига асосан **БАНКРОТ** деб топилган ҳамда уларга нисбатан тугатишга доир ишлар бошланган корхоналар рўйхати

№	Корхона номи	Мақоми	СТИР	Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами	КТУК (ОКПО)	Хўжалик судининг «БАНКРОТ» деб топилган қарор рақами ва санаси	Тугатиш бошқарувчи		
1	XAAB FAST PLUS	МЧЖ	20585697427	10.2005	001190-03	20441605	10-0721/2851	23.04.2007	Норбаев Д. (ЗА)
2	BUYUK SIYOMLAR AMALIY HANKORLIK MARKAZI	МЧЖ	20280481125	02.1999	354 (1027)	17285194	10-0721/2852	23.04.2007	Норбаев Д. (ГУ)
3	ARTUZ	ШК	203719060	16.10.2001	1879	18245699	10-0721/2853	23.04.2007	Норбаев Д. (ГУ)

Ушбу корхоналарнинг топширилмаган ҳужжатлари, думалок муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади. Кредиторларнинг талаблари эълон чиққан кундан бошлаб қабул қилинади.

Кредиторлар йиғилиши 2007 йил 15 майда ўтказилади. Банкротликка оид тугатиш ишлари қуйидаги манзилда давом этмоқда: Миробод тумани, Нукус кўчаси, 23а-уй, 603-хона. О.Э.Файзибоев, Миробод тумани ДСИ бошлиғи.

Узбекистон банклари Ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ, 2007 йил 29 май кунини соат 11:00да «Узбекистон банклари Ассоциацияси» биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига Чилонзор туман суд ижрочилари бўлинимаси томонидан 2006 йил 10 июлдаги 16057-59/4-сонли ва ижро ҳужжати асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар Чилонзор тумани, К.Шарипов кўчаси 50-уй манзилида жойлашган «O'zyog' ochqog' o'zavdo» ОАЖга тегишли қуйидаги мулкларни қўймоқда.

Бир қаватли, умумий майдони 125 кв.м.дан ташкил топган қоровулхона биноси. Бошлангич баҳоси — 9 371 887 сўм.

Бир қаватли умумий майдони 67 кв.м.дан ташкил топган оғирхона биноси. Бошлангич баҳоси — 4 987 501 сўм.

Қизиқиш билдирган харидорлар ушбу мулкларни суд ижрочилари бўлинимаси вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб қуриши мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида ижро ҳужжат рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда объект бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдорда закалат пулини «Узбекистон банклари Ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖнинг

«Асака» банк Автотранспорт филиалининг «Альянс-минибанкдаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001-ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулиларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишнинг имконияти: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўч. 1-уй, тел. 138-69-94.

**МАНФААТДОР ШАХСЛАР, МУТАХАССИСЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Об-ҳаво ўзгариши бўйича Киото протоколи доирасида ва Бутунжаҳон тикланиш ва тараққиёт банкнинг соф ривожланиш механизми лойиҳаларини молиялаштириш ҳамда амалга ошириш бўйича дастурига мувофиқ «Махсустрас» ишлаб чиқариш бошқармаси томонидан «Тошкент шаҳрининг Оҳангарон чиқиндихонасида қаттиқ чиқиндиларни компост қилиш» лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ҳозирги пайтда «Тошкент шаҳрининг Оҳангарон чиқиндихонасида қаттиқ чиқиндиларни компост қилиш лойиҳаси бўйича атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш» ҳужжати тайёрланди.

Манфаатдор шахслар, мутахассислар ва ташкилотлар ушбу ҳужжат билан қуйидаги манзилда танишиб чиқишлари мумкин: Тошкент шаҳри, 100132, «Бекобод» жанубий sanoat зонаси, «Махсустрас» бошқармаси.

Маълумот учун телефонлар: 397-94-95, 397-77-99.



**МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ**

**ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ҲИКМАТЛАР**

Кимки занжирбанд эса, ул шод эмас, Кимки маҳбусдир, ўшал озод эмас.

Ёр ила ёр иттифоқи хуш эрур.

Маънига юз бур, аёб суваратпараст, Маъни сенга бир қанотдир, кам эмас.

Жони беъманига тан эрса гилоф, Жон эмас, чўбин қилич, ул, беҳилоф.

Жумла донолар демишлар бўйлаким: Аҳли доно—раҳмати лил-оламин.

Нори хандон боғни ҳам хандон қилур, Сухбати мардон сени мардон қилур.

Меҳри покларни азиз тут эрта-кеч, Меҳри йўқларга кўнгилни берма ҳеч.

Дил сени судрайди аҳли дил сари, Тан эса судрайди обу гил сари.

Яхшилардин кўп азиз суннат қолур, Фитнакордин зулм ила ланат қолур.

Ким ёмонлар жинсидандир, ул киши То қиёмат, бас, ёмонликдир иши.

Хар кишиким боғли бир юлдуз ила, Хар нафас ҳамдам эрур юлдуз ила.

Ҳақ ўзи жонларга деб нур ёғдирур, Бахтиёрлар унга доман тўлдирур.

Кимки узмас эрса Оллоҳдин асар, Унга бўлмай нури Оллоҳдин асар.

Мавжи дарё боз дарёга равон, Кай тарафдин келса, кетгай ул томон.

Нафси синдирмоқ... осон эмас.

Нафсининг макру рибси бор чунон, Юз Фиръан гарқ бўлмай бегумон.

Покларга таъна отгай гар киши, Ўзини шарманда этгай қилмиши.

Хар йиғининг охири бир хандадир.

Келса бошинга мусибат, тавба қил, Келгай ул Ҳақ амри бирлан, яхши бил.

Истаса Ҳақ, ғам сенга шодлик бўлур, Пойбандлик сенга озодлик бўлур.

Бесабаб бўлмас сабаб пайдо сира.

Дахр аро сонсиз сабабларким ҳамма, Босин шу чархи саргардон дема.

Оташи шаҳватга тушмас аҳли дин, Бошқаларни айлар ул зери замин.

Қушга овчи хуштаги хушдир, бирок, Топмаса ўз жинсини, қонгай йирок.

Сохта тилло зикрани хушнуд қилур, Зарб этилса, мислиги ошқор бўлур.

Бок, чекинмоқ ичра кулфат нақшидир, Бор, таваккал қил, таваккал яхшидир.

Сен қазогай панжа урма, эй фалон, Ул қазо ҳам панжа урғай беомон.

Ҳақ ўзи сенга ишоратлар қилур, Ўйла, деб сўзу иборатлар қилур.

Шукри кенг айлаким, қудрат бўлур, Этмасанг, инкори ул неъмат бўлур.

Бош ақлдин айру тушса, дум бўлур.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

**«Махсустрас» ишлаб чиқариш бошқармаси шунинг маълум қиладики, ёнилғи-мойлаш материалларига сарф-харажатларнинг ошиши муносабати билан ташкилот ва корхоналардан қаттиқ майший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича тариф 2007 йил 16 апрелдан бошлаб 1М³ учун (қўшимча қиймат солиғисиз) 9852-50 сўмни ташкил этади.**

1997 йилда Тошкент шаҳар Акмал Икромов (ҳозирги Учтепа) туманидаги 75-сонли мактаб томонидан Камалходжаева Санталат Хамидуллаевнага берилган О'Р-А 035967 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г.-306

**ТЕЛЕФОНЛАР:** хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3061 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиmlарига ёки «Тошкент почтаамтига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг имконияти мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6

Топширилган вақти: 12:55